Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2015-yil, 15-avgust. Shanba • 95 (31.998) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқаришга, аҳолининг фаровонлигини ошириш ҳамда ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қиладиган 6 қонун кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Аҳоли саломатлиги, хотиржамлиги янада ишончли муҳофаза қилинади

Шу кунларда қорақалпоғистонлик сенаторлар томонидан Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва давлатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Тарғибот-тушунтириш ишлари давомида «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонун кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортаётганига гувоҳ бўлаяпмиз.

Айтиш керакки, амалдаги «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг ўрнига қабул қилинган ушбу қонун мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, касалликларнинг олдини олишнинг самарали тизимини ривожлантиришга кенг йўл очади. Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, санитария меъёрлари ва қоидаларини бажаришга хизмат қилади.

Қонунда ҳудудлар, иншоотлар, бинолар, ташкилотлар, бошқа объектларни сақлаш юзасидан санитария-эпидемиологик талабларни белгилашда фуқаролик жамияти институтлари кенг иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари назарда тутилган.

Ҳақиқатан ҳам, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, барча соҳаларда одамлар соғлиғи учун қулай шарт-шароитларни яратиш, профилактика тадбирларини юқори савияда олиб боришда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода олиб қарасак, бу қонун бутун жамият учун ниҳоятда керакдир.

Гап шу ҳақда кетганда, жойлардаги айрим эътиборли саъй-ҳаракатларга тўхталиш ўринли, назаримда. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва барқарор эпидемик вазиятни таъминлашда иммунопрофилактика масалаларига жиддий аҳамият берилмоқда. Эпидемиологик барқарорликни таъминлаш учун ҳар йили 258 минг нафар аҳоли юқумли касалликларга қарши эмлаш билан қамраб олиняпти.

Халқаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши ҳамда атроф-муҳит ўзгариши билан тавсифланадиган глобал ўзгаришлар шароитида жамоат саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш долзарб масаладир.

Ҳозирги пайтда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги давлат ҳокимияти органлари томонидангина эмас, балки фуқаролик жамияти институтлари, умуман, жамият томонидан ҳам таъминланади. «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунда бу масала алоҳида эътиборга олинган.

Сир эмаски, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда маҳалла институтининг алоҳида ўрни бор. Қонунда бу борада ҳам аниқ меъёрлар белгиланган. Уларга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари санитария-гигиеник талабларга тўлиқ риоя этилиши ва эпидемияга қарши тадбирлар амалга оширилишига кўмаклашади. Тегишли ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирлар рўёбга чиқарилаётгани, ҳовли ва уй атрофидаги ҳудудларни қуриш ҳамда сақлаш қоидаларига риоя этилаётгани устидан жамоат назоратини амалга оширади. Ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида тегишли ҳудудда яшовчиларнинг ихтиёрий равишда иштирок этишини ташкиллаштиради.

Шунингдек, қонунда субъектлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланмоқда. Бу улар фаолияти мувофиқлаштирилишига замин яратади, аҳоли санитария-эпидемиологик осойишталигининг бутун тизимига бир хилда ёндашиш имконини беради.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар тизимини мустаҳкамлашга кўмаклашади, ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматлар фаолиятининг амалий самарадорлигини оширишга кенг шароит яратади.

Буларнинг барчаси аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, ҳар томонлама соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда тарбиялаш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш, оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби бир қатор долзарб вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, сенатор.

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН!

САМАРҚАНД – ҲАЁТ ЧАШМАСИ

Кейинги йилларда қадимий Самарқандимизнинг қиёфаси қандай очилиб, чиройига чирой қўшилиб бораётганини сўз билан ифода қилишнинг ўзи қийин. Нафақат ўзимизнинг одамларимиз, балки дунёнинг турли ўлкаларидан келаётган сайёҳлар ҳам буни эътироф этмоқда.

Сўнгги йилларда Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси каби тарихий обидалар, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, шаҳарнинг марказий кўча ва хиёбонлари, майдонлар тубдан таъмирланди. Шаҳарда 47 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди. Рудакий, Панжикент, Даҳбед кўчалари таъмирланиб, айланма йўлнинг қўшимча янги қисми фойдаланишга топширилди. Самарқанд халқаро аэропорти, темир йўл вокзали тубдан реконструкция қилиниб, уларнинг ён-атрофидаги ҳудудлар ободонлаштирилди.

Ана шундай кенг кўламли ишларимиз натижасида қадимдан «Ер юзининг сайқали» бўлиб келган Самарқанд шаҳри яна қайтадан ана шундай юксак мақомга кўтарилаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу ҳақда гапирганда, Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли «Зе Ҳаффингтон пост» нашри Самарқандни жаҳондаги инсон ўз умри давомида, албатта, бориб кўриши зарур бўлган 50 та шаҳарнинг рўйхатига киритганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Ислом КАРИМОВ

► Давоми 4-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ

жамият ҳаётини демократлаштиришда муҳим ўрин тутади

Шу кунларда мустақиллигимизнинг 24 йиллик тантаналарини кўтаринки руҳда ўтказиш учун ҳар жиҳатдан муносиб тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу даврда қўлга киритилган тарихий ютуқлар қаторида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимига асос солингани, сиёсий партиялар шаклланган, профессионал миллий парламент ташкил топганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, олиб борилган демократик ислоҳотлар натижасида бугун сиёсий партиялар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу эса фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошаётгани, жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорлик туйғуси кучаяётганини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам бу борада ўз ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш керак.

► Давоми 2-бетда.

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ:

ДИҚҚАТ! ҲАЙДОВЧИ, ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

шунда сиз, энг аввало, ўз ҳаётингизни, мол-мулкингизни асраган бўласиз

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борадаги ишларни тубдан яхшилаш, янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бундан кўзланган ягона мақсад одамлар ҳаётини асраш, уларнинг мол-мулки дахлсизлигини таъминлашдир.

3 ►

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК, ЭРТАГА КИМ БЎЛАМИЗ?

■ ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

O'ZBEKISTON OVOZI
2015-yil 15-avgust. Shanba
95 (31.998)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон ХДП барча даражадаги ташкилотлари, партия гуруҳлари фаолиятини замон талаблари даражасида кучайтиришга, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя этишга жиддий эътибор қаратмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ

жамият ҳаётини демократлаштиришда муҳим ўрин тутади

Акмал АСАТОВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:

— Мустақиллик йилларида халқимиз қўлга киритган энг катта ютуқ нима, деган савол қўйилса, очиғини айтганда, ҳеч иккиланмай одамларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши кенгайгани, фикрини эркин ифода этаётгани, энг муҳими, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятига эга бўлганини таъкидлаш керак. Буни сиёсий жараёнлардаги фаоллик, кучли фуқаролик позициясида кўряпмиз. Айниқса, сайловларда бу жиҳат ёрқин намоён бўлди.

Айни кунда Навоий вилоятида 18 минг нафардан зиёд Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бор. Турли корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда 439 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар партия ғояларини кенг тарғиб қилиш, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ўз таклифлари, амалий ҳаракатлари билан фаол иштирок этмоқда.

Партия нима билан жамиятда ўз ўрнига эга бўлади? Энг аввало, амалий ишлари, мамлакат ривожига ҳисса қўшаётгани, сайловчи, умуман, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этиш орқали, албатта. Буни фаолларимиз, депутатлар чуқур тушунади. Шу боис фаолият режаси ҳам ана шундан келиб чиққан ҳолда шакллантирилмоқда.

Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудий дастурларнинг самарали ижро этилиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина мисол. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудлардаги якка ёлғиз, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари бўйича ягона маълумотлар базаси шакллантирилиб, тегишли ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бугун вилоятда **2205 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийси истиқомат қилмоқда.** Уларга ўз вақтида тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, мазмунли дам олишини ташкил этиш, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилди. Бу борада депутатлар анча фаол.

Яна бир мисол. Халқ депутатлари Учқудуқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Фарҳод Соибовга аҳоли томонидан ҳудуддаги айрим савдо нуқталарида тўлов терминалларининг мавжуд эмаслиги бўйича мурожаат келиб тушган. Депутатнинг туман солиқ инспекцияси мутасаддиларига депутатлик сўрови билан чиқиши натижасида «Микрокредитбанк» ОТБнинг Учқудуқ туман филиали томонидан мазкур савдо нуқталарига тўлов терминаллари ўрнатилди. Шунингдек, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Нодир Шомуродовга «Меҳнат» маҳалласида истиқомат қилувчи сайловчилар ҳудудни электр энергияси билан таъминлашдаги айрим муаммоларни бартараф қилишда амалий ёрдам сўраган. Депутатнинг саъй-ҳаракати натижасида мазкур муаммо қисқа муддатда ўрганилиб, электр энергиясидаги узилишлар бартараф этилди.

Албатта, депутатлар фаолиятидан бундай мисоллари кўплаб келтириш мумкин. Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган 6 ойи якунларига кўра, партия гуруҳлари аъзолари томонидан турли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига 92 депутатлик сўрови билан мурожаат қилинган. Ҳозиргача мурожаатларнинг 85 фоизи бўйича ижобий натижага эришилган. Бу жараёнларда Навбаҳор, Кармана, Томди туманлари, Зарафшон ва Навоий шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Мафкуравий, тарғиботташвиқот йўналишида ҳам қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, «Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз», «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳалари шулар жумласидандир.

Партия ташкилотлари ва депутатларимиз олдида ҳали бажарилиши зарур бўлган, ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Айниқса, жойлардаги тарғибот тадбирлари сифати ва самарадорлигини ошириш, сиёсий ўқув-машғулотларини тизимли ташкил қилиш, партия гуруҳлари томонидан ўрганилаётган масалаларни комплекс ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунда барча даражадаги партия ташкилотлари, етакчилар фаол иштирок этиши талаб этилади.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Депутатлик масъулияти ҳақида фикр:

Қаерда амалий иш бўлса, ўша жойда ривожланиш, юксалиш дарҳол кўзга ташланади. Бугун буни «депутатман», дея халқ юкини елкасига олган ҳар бир инсон чуқур англаши лозим. Сайловлар бўлиб ўтганига бирмунча вақт бўлди. Хўш, ўтган давр мобайнида сайловчилар ишончини қанчалик оқлай олдик, нималарга эришдигу, нималар қилишимиз лозим? Бу саволларни ҳар биримиз ўзимизга беришимиз, айни пайтда унга жавобимиз ҳам тайёр бўлиши керак.

Нормурод ИСОҚОВ, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Тажрибадан маълумки, қаерда амалий иш бўлса, ўша жойда ривожланиш, юксалиш дарҳол кўзга ташланади. Бугун буни «депутатман», дея халқ юкини елкасига олган ҳар бир инсон чуқур англаши лозим. Сайловлар бўлиб ўтганига бирмунча вақт бўлди. Хўш, ўтган давр мобайнида сайловчилар ишончини қанчалик оқлай олдик, нималарга эришдигу, нималар қилишимиз лозим? Бу саволларни ҳар биримиз ўзимизга беришимиз, айни пайтда унга жавобимиз ҳам тайёр бўлиши керак.

Ҳозирда халқ депутатлари вилоят Кенгашида 12 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 72 нафар партиямиздан сайланган депутат фаолият олиб бораяпти. Партия гуруҳлари аъзолари томонидан депутатлик сўрови, депутатлик назорати каби ваколатлардан электорат манфаатлари йўлида самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи яримида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан 2 масала партия гуруҳларида, 3 масала доимий комиссияларда кўриб чиқилиб, ўрганилган муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури асосида вилоят ҳудудидаги умумий овқатланиш шохобчаларининг санитар-гигиеник ҳолати ҳамда ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар ўрганилди. Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, баъзи умумий овқатланиш шохобчаларида ишчилар билан меҳнат шартномаси тузилмасдан, ҳисоб-китоблар оғзаки келишув асосида олиб борилаётгани маълум бўлди. Бундай ҳолатлар эса ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига, меҳнат қонунчилигига риоя этилмаслигига олиб келади.

Шунингдек, вилоят ДСЭНМ ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда санитар-гигиеник ҳолати қониқарсиз, деб топилган шохобчаларга зудлик билан аҳволни ўнглаш бўйича тавсиялар берилди.

Ҳозирги кунда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг режасига асосан вилоятнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш, малакали кадрлар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи ўрганилмоқда. Бу эса партиямиз Сайловолди дастурида белгиланганидек, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Гулмира РУСТАМОВА, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:

— Аёлларимиз бугун нафақат оилада, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаоллик кўрсатмоқда. Хотин-қизларнинг истеъдод ва иқтидорларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам кўрсатиш борасида қатор хайрли ишлар қилинмоқда.

Ўз атрофида кўплаб хотин-қизларни бирлаштирган «Фаол аёллар» қаноти ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, қанот томонидан хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, сиёсий саводхонлигини юксалтириш масалаларига доимий эътибор қаратилган. Бу борада қатор лойиҳалар, тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Кам таъминланган, банд бўлмаган хотин-қизларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси мунтазам ўтказиб келинмоқда. Натижада иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратилмоқда.

Хотин-қизларни спорт билан шуғулланиши ҳам алоҳида эътиборда. Партиямиз ташаббуси билан жорий йилнинг март-июнь ойларида вилоятимизнинг чекка ҳудудларида хотин-қизларни спортга жалб этиш билан боғлиқ лойиҳа доирасида спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда 200 дан зиёд хотин-қизлар спортнинг 10 га яқин тури бўйича ўзаро беллашди. Албатта, бундай мусобақалар уларни ўзаро жипслаштиради, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Фаолиятимизни янада кучайтириш, сафимизга фаол, ташаббускор аёлларни жалб этиш мақсадида Навбаҳор, Нурота, Учқудуқ ва Навоий шаҳарларида хотин-қизлар иштирокида сиёсий ўқув-машғулотлари ташкил этилди. Келгусида бу каби тадбирлар кўлами ва таъсирчанлигини янада ошириш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Матлуба РЎЗИЕВА, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши бўлим мудири:

— Сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеини белгилаб беришда уни электорат билан боғлайдиган асосий механизм — бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Партия аъзоларини бирлаштирадиган мазкур тузилма қанчалик фаол ва ташаббускор бўлса, сиёсий партия ғоялари шунчалик одамларга етиб боради.

Шу боис вилоят кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги таъсир кучини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда етакчиларнинг билим ва салоҳиятини ошириш, улар ишига замонавий сиёсий технологияларни кенг жалб қилиш, ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш бош вазифага айланган.

Ҳар ойда ташкил этилаётган «Бошланғич партия ташкилотлари куни»да депутатлар, сиёсатшунос олимлар, зиёлилар, профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда, партия аъзоларига мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда.

Яқинда ана шундай учрашувлардан бири ҳудудимиздаги йирик бошланғич ташкилот ҳисобланган — «Навоийазот» АЖда ташкил этилди. Тадбирда ўз атрофига 230 аъзони бирлаштирган мазкур ташкилот фаолияти таҳлил этилди, аъзоларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Бошланғич партия ташкилоти етакчиси Гулжамол Сатторова томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, партия гуруҳи билан ҳамкорлик, ибрат сифатида кўрсатилди.

Дарҳақиқат, партия етакчиси ижтимоий-сиёсий фаол, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур тушунадиган бўлиши лозим. Шундагина партиянинг жамиятдаги нуфузи ошади, унинг ғояларига хайрихоҳлар кўпаяди, сайловчилар ишончини қозона олади.

Баҳриддин ТОШМАМАТОВ, Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Навоий вилоят бўлими етакчиси:

— Ёшларни сиёсий саводхон, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустақил фикрига эга, ҳам жисмонан, ҳам маънан етук авлод қилиб тарбиялашда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган. Ҳозирда уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, иқтидор ва истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишига амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган турли тадбир ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Биргина «Коллеждан-корхонага» лойиҳаси тенгқурларимизни иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови эса йигит-қизларнинг ижтимоий лойиҳаларини рўёбга чиқариш, сиёсий билимларини ошириш ва нотиқлик санъатини ўзлаштиришига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг шу давригача «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан вилоятимизнинг турли ҳудудларидаги касб-ҳунар коллежларида 100 дан зиёд амалий тадбирлар ташкил этилди. Мазкур учрашувларда ёшларга берилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида фикрлар билдирилиб, депутатлар томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тушунча берилди. Натижада партиямизга аъзо бўлиш истагини билдирган ёшлар сони сезиларли даражада ошди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, партиямиз сафидаги ёшлар сони қарийб 7 минг нафарни ташкил этган бўлса, ўтган олти ой мобайнида яна 540 нафар йигит-қиз партиямизга қабул қилинди.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этар экан, демак, партиямиз ғояларини амалга оширувчи асосий куч — бу ёшлар бўлиши керак. Бунинг учун «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари фаол ва ташаббускор бўлиши, тенгдошларини ўз атрофига бирлаштира олиши, дастурий мақсадлар ижроси йўлида фидойилик кўрсатиши керак.

Алибек ҲАЙИТОВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши бўлим мудири:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари фуқароларнинг муаммоларини ўрганишда ўзига хос механизма айланди. Буни ЎзХДП Навоий вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аниқ рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи ярмида қабулхоналарга фуқаролардан тушган мурожаатларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилган. Электорат вакилларидан келиб тушаётган мурожаатлар ўз вақтида бартараф этилиши, муаммолар ижобий ечим топишида депутатлар алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Света Қузимбоева Жамоатчилик қабулхонасига мурожаатида кўп қаватли уй атрофидаги болалар майдончасида шароит йўқлиги, бу эса ноқулайликлар туғдираётганини маълум қилган. Мазкур масала ҳамкор ташкилотлар, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси билан ўрганилиб, депутатларимиз аралашуви билан ҳал этилди.

Навбаҳор туманида яшовчи Алишер Баҳромов касб-ҳунар коллежини тугатгач, ўз мутахассислиги бўйича иш топишда муаммога дуч келди. Мазкур масала юзасидан туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этди. Унинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда «Навоийазот» АЖга мутахассис сифатида ишга жойлаштирилди.

Аҳолидан тушаётган мурожаатларнинг катта-кичиги бўлмайди. Мурожаатларга эътибор қаратадиган бўлсак, аксарият қисми ишга жойлашиш, йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, коммунал тўловлар билан боғлиқ эканига гувоҳ бўламиз. Аслида бундай муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш шу ҳудуддан сайланган депутатларнинг зиммасидаги асосий вазифадир.

Одамлар Жамоатчилик қабулхонасига кўмак сўраб мурожаат этяптими, демак, сайловчи, электорат вакили партиямиз ғояларини қўллаб-қувватлаяпти бизга ишоняпти. Мана шу ишончга муносиб бўлиш, мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш, ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Мухтасар айтганда партиямиз ғоялари ҳаётда изчил ўз ифодасини топади.

Бугун қайси ривожланган, замонавий давлат тизимини олиб қарамайлик, энг аввало, сиёсий партиялар жамият ҳаётини ҳаракатга келтирувчи асосий куч эканини кўрамиз. Мамлакатимизда сиёсий партиялар учун яратиб берилган шароит ва имкониятлардан кўзланган асосий мақсад ҳам битта — бу демократик тамойилларга асосланган, эркин фуқаролик жамиятини қуришдир. Демак, мазкур муҳим жараёнда иштирок этаётган ҳар бир тузилма, ҳар бир фуқаро зиммасида ана шундай юксак масъулиятли вазифа турганини унутмаслиги лозим.

Махсус саҳифани ўз мухбирларимиз Нурали ОРИПОВ ва Илҳом САТТОРОВ тайёрлади.

Яратилаётган тизимдан кўзланган асосий мақсад серқатнов кўчаларда йўл ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш ҳамда турли ҳуқуқбузарликларни олдини олишдан иборат.

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ:

ДИҚҚАТ! ҲАЙДОВЧИ, ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

шунда сиз, энг аввало, ўз ҳаётингизни, мол-мулкингизни асраган бўласиз

Жорий йил 6-7 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўл ҳаракати хавфсизлиги чораларини янада кучайтириш билан боғлиқ қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Мухбиримиз Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ИИВ **Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ** билан суҳбатлашди.

— Ушбу қонуннинг қабул қилинишига сабаб бўлган омиллар ҳақида гапириб берсангиз.

— Қонун ва қоидаларга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар аввало, давр талаби. Бундан кўзланган мақсад ҳаракат иштирокчилари ҳисобланадиган ҳайдовчи ва пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бу борада қилинаётган ишлар самарадорлигини ошириш ва энг муҳими инсонлар ҳаётини асраш-дир. Транспорт воситалари сони кундан-кунга кўпайиб бораётган бир шароитда доимо изланиш, янгиликлар яратиш, ташаббускор бўлиш талаб этилади. Бизнинг асосий вазифамиз ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган. Бу ишларни тубдан яхшилаш учун эса қайд этилаётган кўрсаткичларни доимий таҳлил қилиб бориш ва унинг натижаларига кўра ишни яхшилаш чораларини кўришимиз зарур. Мазкур Қонун ҳам ана шу таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган.

Барчамизга яхши маълумки, йўл-транспорт ҳодисаларида инсонларнинг ўлимига ва тан жароҳати олишларига сабаб бўладиган асосий омил — тезликни меъёридан ошириш-дир. Агар таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, биргина 2014 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 35,3 фоизи белгиланган тезликка риоя этмаслик оқибатида содир бўлган. Бундан кўринадики, айнан мана шу йўналишдаги ишларимизни тубдан ўзгартириш ва замонавий техник воситаларни жалб этиш керак. Айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

«Крис-П», «Арена», «Искра видео-2» каби фоторадар ва мобиль комплексларининг амалда қўлланилиши натижасида охирги 5 йил ичида йўл-транспорт ҳодисаларининг сони сезиларли даражада, яъни 506 тага камайди. Бу рақам кимгадир арзимасдек бўлиб туюлар, аммо унинг ортида инсон ҳаёти турганлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг аҳамияти қанчалик юқори эканлиги аён бўлади.

Ҳозирги кунда йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлашган бошқарув тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу тизим биринчи навбатда светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсунмаган ҳамда белгиланган тезлик талабларига риоя этмаслик ҳолатларини автоматик равишда қайд этиб боради. Бу янгилик ҳам белгиланган тезлик талабларини назорат қилиш борасида амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Жумладан, илгари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128^3-моддаси 3-қисмига асосан жазо чораларини қўллаш суд идоралари томонидан амалга оширилар эди. Аммо киритилган ўзгартишларга кўра, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Шу сабабли жорий этилаётган компьютерлаштирилган бошқарув тизими орқали ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ошириб юбориш ҳолатларини ҳам автоматик тарзда қайд этиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда Кодекснинг 128^3-модда 3-қисми иккита мустақил қисмларга ажратилди. Унга кўра ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ кўринишда ошириб юбориши энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима солиш билан жазоланиши белгилаб қўйилди ва бундай ҳолатларда жарима солиш ваколати ДЙҲХХ мансабдор шахсларига юклатилди.

Яратилаётган тизимдан кўзланган асосий мақсад серқатнов кўчаларда йўл ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш ҳамда турли ҳуқуқбузарликларни олдини олишдан иборат.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган йўл ҳаракати қоидабузарликларини автоматик қайд этиш бўйича кўчма фоторадар ва мобиль комплексларини қўллаш юзасидан тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, йўл ҳаракати устидан видео кузатув ва назорат техник воситаларини қўллаш билан бир вақтнинг ўзида аниқланган ва қайд этилган ҳуқуқбузарликлар содир этган қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш механизмини яратиш зарурати юзага келди.

Мазкур механизмнинг тўлақонли фаолият юритишини, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини, ҳамда йўл ҳаракати борасидаги ҳуқуқбузарликларни назорат қилиш ва қайд этиш тизими самарадорлигини таъминлашда ҳам қонунчиликка киритилган янгилик муҳим ўрин тутади.

— Ҳаракат иштирокчилари биринчи навбатда нималардан иборат?

— *Биринчидан*, автоматлаштирилган бошқарув тизими ҳар қандай йўл ҳаракати қоидалари бузилган жойни, вақтини, транспорт воситасининг давлат рақам белгисини қайд этади. Лекин тизим йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчининг шахсини аниқлаш имкониятига эга эмас.

Битта транспорт воситасини бир неча шахс томонидан бошқарилишига имкон берилганлиги (ишончнома, ижара шартномалари, лизинг) айнан қоидабузарликни содир этган шахсни аниқлаш ишларини чигаллаштиришга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолат айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминланишига салбий таъсир ўтказади.

Шу сабабдан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс фото ва видео қайд этиш имкониятига эга бўлган автоматлаштирилган махсус техник воситалар ёрдамида ҳуқуқбузарлик аниқланганда транспорт воситасининг эгасини маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи **17^1-модда** билан тўлдирилди.

Бунда қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олинмаслиги, агарда транспорт воситасининг эгаси ўзининг айбсизлигини исботласа ёки қонунчиликка зид равишда транспорт воситасини бошқа шахс бошқарганлиги аниқланганда транспорт воситаси эгаси жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган.

Иккинчидан, автоматлаштирилган тизимнинг марказлашган ҳолда, «он-лайн» режимида ишлашини инобатга олган ҳолда аниқланган қоидабузарликни расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Маъмурий баённома расмийлаштирмасдан ДЙҲХХ мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси 3 кун муддат ичида транспорт воситаси эгасининг номига почта жўнатмаси тартибида юборилади.

Бунда автоматлаштирилган тизим орқали олинган маълумотлар маъмурий иш бўйича далил сифатида қабул қилиниши назарда тутилган. Шу сабабдан Кодекс **309^1-модда** билан тўлдирилди. **276-, 283-моддалар**га ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳуқуқбузар томонидан жаримани ихтиёрий тўлаш муддатини жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб 60 кун муддат ичида тўланишини назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Ҳуқуқбузар ушбу муддатда жаримани тўлашдан бош тортган ҳолда ДЙҲХХ органлари томонидан транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдонига қўйилади ҳамда ҳуқуқбузар белгиланган жаримани тўлиқ тўламагунга қадар автомобиль жарима майдонида ушлаб турилади. Қабул қилинган янги қонун ДЙҲХХ органига мана шундай ваколат беради. Шу сабабдан кодекснинг **332-, 291-моддалари**га ҳам қўшимчалар киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим қоидабузар ҳайдовчилар айбини яшириш учун давлат рақам белгиларини турли йўллар билан бекитиш, кўринишини чеклаш каби бир қатор қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга уринишади. Бу нафақат бизда, балки ривожланган хорижий давлатларда ҳам кузатилган. Шу сабабли давлат рақами белгилари кўринишини чеклайдиган, уларни кўришга тўсқинлик қилувчи нарсалар ва қопламалар ўрнатганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди. Бунда ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса беш баравари миқдорида жарима солиш ҳамда транспорт воситасини ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар вақтинча ушлаб туриш назарда тутилган. Шу сабабли Кодекснинг **127-моддаси**га қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Учинчидан, кодекснинг **36-, 271-моддаларига** асосан маъмурий жазо (жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамоқ) ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Ушбу муддат ўтгандан сўнг маъмурий иш тўхтатилиши лозим.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ишга туширилиши билан қоидабузарлик содир этган шахсни аниқлаш, иш ҳужжатларини бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга юборишда, маъмурий иш материалларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетиши мумкин. Натижада белгиланган муддат ўтиб кетиб, маъмурий ишни тугалланишига сабаб бўлиши эҳтимоли бор. Биз ана шу йўналишда кўплаб давлатларнинг тажрибаларини ўрганиб чиқдик.

Бир қатор ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Хитой, Россия давлатларида маъмурий жазо қўллаш муддати ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб 1 йилдан 3 йилгача эканлиги, бу эса айб учун жазо муқаррарлиги принципини таъминлаши маълум бўлди. Шу сабабдан Кодекснинг **36-моддаси**да маъмурий жазо қўллаш муддати бир йил этиб белгиланди.

Тўртинчидан, йўл ҳаракати қоидаларини автоматик равишда аниқлаш учун махсус техник воситалардан фойдаланилиши, бундай тизимнинг ўзига хослиги, бунда такрорийликнинг инобатга олинмаслиги, ваколатли органларга оид ишларнинг алоҳида кўриб чиқилиши, шунингдек, судларнинг иш ҳажмларини инобатга олган ҳолда кодекснинг **28, 128^3, 245, 248, 256 ва 294-моддалари**га қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Яъни маъмурий ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд, ички ишлар ва мудофаа органларига тааллуқли моддаларга аниқлик киритилди.

Бешинчидан, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ёки асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилаётган транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этиш, қоидани бузган бошқа шахсни умумий асосларда жавобгарликка тортиш учун Кодекснинг **321-моддаси**га ҳам ўзгартишлар киритилди. Умуман олганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 2 та янги модда билан тўлдирилиб, 13 та моддага қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Ишонамизки, янги ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизликларини таъминлаш масаласини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради. Бунинг учун барчамиз унга қатъий амал қилишимиз керак бўлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

Дунё

Шимолий ярим шарда

қор одатдагидан кўп ёғмоқда

Кейинги пайтларда иқлимнинг глобал исиши Ер шарининг айрим ҳудудларида қор одатдагидан кўп ёғишини юзага келтирмоқда. Бу фикрни Россия Фанлар академиясининг География институти олимлари ҳам

тасдиқламоқда. Уларнинг айтишларича, иқлим ўзгаришлари натижасида ҳароратнинг кўтарилиши сайёрамизнинг Шимолий ярим шари ва Сибир кенгликларида қор миқдори кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Гап шундаки, ҳароратнинг кўтарилиши ҳаво массасида намликни оширади ва бу масса совуқ ҳудудларга боргач, қор бўлиб ерга тушади.

Шимолий ярим шарда Жанубий ярим шарга қараганда кўпроқ қор ёғиши кузатилмоқда. Негаки, нам ҳаво массасининг Жанубий ярим шарга етиб боришига океан шамоллари халақит беради.

Сунъий йўлдошлар ёрдамида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики, қиш мавсумида Ер шарининг 19 фоизи қор билан қопланган.Шимолий ярим шарда эса бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган бўлса, Жанубий ярим шарда 7,5 фоизга тенг бўлган. Ёзда эса Ер шари умумий майдонининг 9 фоизи қор остида бўлган. Бу ўн йиллар аввалги даражадан анча кўпдир.

АҚШнинг Океан ва атмосфера тадқиқотлари миллий бошқармаси маълумотларига қараганда, 2012 йилнинг декабрида Шимолий ярим шарда 130 йилдан бери кузатилмаган ҳолатга гувоҳ бўлинган — 3 миллион квадрат километр майдон қор билан қопланган. Бу 1985 йилдаги рекорд даражадан 200 минг квадрат километр кўпдир.

Мобиль телефони орқали

қаердалигингизни аниқлаш мумкин

Бугунги фан-техника барча соҳада катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўзларини қизиқтирган шахслар қаерда юрганлигини уларнинг мобиль телефонлари орқали (қўнғи-

роқ қилиб эмас, балки мобиль алоқа воситасининг махсус сигналлари ёрдамида) бемалол аниқлай оладилар. Бу амалиёт айни пайтда Европа ва АҚШда кенг қўлланмоқда.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти вакилларининг айтишларича, гарчи абонент қўл телефон «кутиш» тизимида турса-да, унинг турган жойини аниқ кўрсатиб беради.

РЕКЛАМА

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

«Tashkent realtor service» масъулияти чекланган жамияти

бошланғич баҳоси боскичма-боскич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФйда жойлашган «Baytqorgon-murodova gulnora karimovna» МЧЖ балансидаги 28,4 гектар ер майдонидаги боғзор қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 30 500 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2015 йил 14 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа маркази биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган боғзорнинг такрорий савдоси 2015 йил 29 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Tashkent realtor service» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – №0008.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги 57-мактаб қошида гимнастика зали ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 631,027 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 525,856 млн.сўм, қурилиш муддати – 150 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел. Факс:(0-376)221-49-71, 221-49-80, 221-49-85 .**

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида фақат «Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик - муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объект бўйича оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даврахитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-а уй, Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 .**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталари) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-а уйда ўтказилади.

■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНА ВА ИНВЕНТАРЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ УЧУН ҚИЙМАТИ 737,7 МИЛЛИАРД СЎМЛИК КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ЎЗЛАШТИРИЛДИ.

■ АЙНИ ПАЙТДА САНОАТНИНГ АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИДА ИШ БИЛАН БАНД БЎЛГАНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАНГАН СОНИНИ ОШИРИШ НАТИЖАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН ТЎҚИМАЧИЛИК, ЧАРМ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА ҚЎШИМЧА 4,7 МИНГ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.

O'ZBEKISTON OVOZI
2015-yil 15-avgust. Shanba
95 (31.998)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Самарқанднинг Эски шаҳар қисмида жойлашган «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Шабада» истироҳат боғи ҳар доим бахтиёр одамлар билан гавжум.

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН!

Самарқанд — ҳаёт чашмаси

■ Мустақиллик байрами тобора яқинлашаётган шу кунларда Ўзбекистонимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, ҳар бир гўшасида янгиланишлар, ўзгаришлар юз бермоқда. Самарқандга борганимда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳасан Нормуродов Эски шаҳардаги ободонлаштириш ишлари ҳақида гапириб берди. У кишининг таъкидлашича, шаҳарда қўплаб фавворалар, маҳалла гузарлари, йўллар, истироҳат боғлари бутунлай янгидан бунёд этилди. Ушбу суҳбатдан таъсирланиб, Самарқанддаги «Чашма» маҳалласи томон йўл олдим.

Дарҳақиқат, бунёдкорлик, ободлик одамларни келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Ютуқлар, юксакликлар, ғалабаларга илҳомлантиради. Энг муҳими, бу эзгу ва хайрли ишлар ўзлари, фарзандлари учун қилинаётганини кўриб, билиб турган инсонлар ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Халқимиз азал-азалдан хиёбон ва йўл қурганларни бошига кўтарган. Нафақат бошига кўтарган, балки савобли иш қилинаётганини кўрса, елка тутган, қўл солишган. Ҳорма, бор бўл, дея мадад берган. Биз борган манзилда ҳам ана шундай Ватан ва халқ хизматига камарбаста инсонлар яшаётганига гувоҳ бўлдик.

Самарқанднинг Эски шаҳар қисмида жойлашган «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Шабада» истироҳат боғи ҳар доим бахтиёр одамлар билан гавжум. Бу ернинг олдинги аҳволини кўрган киши қисқа фурсатда шундай гўзал манзил барпо этилганига ишонгиси келмайди. Боғ узра болаларнинг шодон кулгулари эшитилади. Фаввора ёнига қўйилган ўриндиқларда фарзандларини, набираларини олиб келган ота-оналар, бобобувилар суҳбатлашмоқда.

Тўлқин АҲМАДЖОНОВ, меҳнат фахрийси:

— Баъзан кўзларимга ишонмайман. Наҳотки, шундай қисқа вақт ичида гўзал истироҳат боғини қуриш мумкин, деб ўйлайман. Қаранг, бу ерда болалар учун бешта аттракцион ўрнатилган. Фавворадан таралаётган салқинлик танга ором беради. Маҳаллаларни обод бўлиши одамларнинг кайфиятини янада кўтаради. Бу ерда нафақат истироҳат боғи қурилди, балки маҳаллага туташ кўчалар тўлиқ таъмирланиб, асфальт ётқизилди.

Очиғини айтганда, баъзи одамлар йўл четларида ноқонуний қурилишлар қилишган эди. Бу санитария талабларига зид бўлиб, атрофдагиларга халақит берарди. Шаҳримиз кўркини бузиб турган бундай қурилишлар олиб ташланиб, йўллар кенгайтирилди, пиёдалар учун махсус йўлаклар қурилди. Кўчага қараган уйларнинг ташқи кўринишн ҳам янги қиёфа касб этмоқда. Ушбу ҳудудда яшовчи 842 хонадон марказий канализация тизимига уланди. Бундан руҳланган одамлар ҳашар уюштириб, йўллар бўйига манзарали дарахтлар, райҳонлар, гуллар экишди.

Маҳалламиз аҳолисига хизмат кўрсатадиган 12-оилавий поликлиника мослаштирилган бинода фаолият кўрсатарди. Ҳозир эса замонавий янги бино қурилиб, сўнгги русумдаги тиббий-асбоб ускуналар билан жиҳозланди.

Мана бу истироҳат боғига қаранг. Бир пайтлар одамлар уни четлаб ўтарди. Такси тўхтатсангиз, «йўли ёмон, бормайман» дерди. Бугун эса бу манзиллар бутунлай обод бўлди. Ҳар куни кечқурун чиқиб гурунг қиламиз. Сезяпсизми, бу ердан шамол йўли ўтган. Доимий равишда шабада эсиб туради. Истироҳат боғи номи ҳам бежиз «Шабада» қўйилмаган.

Инсоннинг қўли гул дегани шу бўлса керак. Қандай хушҳаво, хушманзара жой бўлди. Биз кексалар Самарқандда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари учун Президентимизга миннатдорлик билдирамиз.

Хуршид САМИБОЕВ, профессор:

— Ушбу жойда кўримсиз чойхона бўларди. Чиқинди ташланарди. Одамни бу ерга оёғи тортмасди. Вилоятимиз ҳокими Зойир Мирзаев истироҳат боғи барпо этиш юзасидан биз оқсоқоллар билан суҳбат ўтказганида қийин бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Қирқ кун ичида худди эртаклардагидек гўзал маскан пайдо бўлди. Ўша кунларда маҳалламизга келган одам ҳайрон қоларди. Ўнлаб, юзлаб техникалар ишлади.

Чашмада қилинган ишлар Эски шаҳарни янги қиёфасини яратиш томон ташланган жуда муҳим қадам бўлди.

Мен тарихчиман. Ушбу жойларни тарихини яхши биламан. «Самарқанд маҳаллалари тарихи» номли китобимда шаҳримиздаги 90 та маҳалла ҳақида маълумот берганман. Мазкур тадқиқотим ўнга яқин тилларда чоп этилган.

Маҳалламиз қадим-қадимдан қутлуғ қадамжо бўлган. Бу ерларга Соҳибқирон Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Али Қушчи сингари улуғ инсонларнинг қадами теккан.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича XI асрда Самарқандга Умар Хайём келади. Ўшанда у 22 ёшда бўлган. Шаҳримиздаги Ғатфор маҳалласида яшаган. Олим қурғоқчилик туфайли ҳосилдорлик пасайиб кетган ўша йилларда самарқандлик деҳқонларга иқлимни, сувни, ерни ҳисобга олиб деҳқончилик қилиш кераклигини илмий асослаб беради. Ёш олимлар билан учрашиб математика, астрономия бўйича савол-жавоб қилади. Исфаҳонга қайтишида Муззаффар ва Муҳаммад Ғатфорий деган йигитларни ўзи билан олиб кетади. Улар бир умр Исфаҳондаги обсерваторияда илмий изланишлар олиб борган.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Маҳалламиздаги хонадонлардан бирида 7 метр чуқурликдан мармар тошдан ясалган глобус топилди. Ундаги битиклар сўғд ёзувида экани аниқланган. Бугунги кунда ушбу топилма ЎзР ФА Археология институтида сақланмоқда.

Самарқанднинг Эски шаҳар қисмидаги «Чашма» маҳалласига туташ жойда «Мадрасаи сафед» фаолият кўрсатган. Ушбу мадраса оқ мармардан бунёд этилиб, 16 та ҳужрадан иборат бўлган. Унинг ёнидаги уйда машҳур астроном олим, Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи яшаган.

Маҳалламиздаги ёшлар билан суҳбатлашганимда улар менга кўп саволлар беришади, маҳалламиз тарихи билан қизиқишади. Шу ўринда бир таклифим бор. Шундай чиройли истироҳат боғида болалар учун тўгарак ташкил қилсак. Унда Самарқанд шаҳри ва унинг маҳаллалари тарихи бўйича машғулотлар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Гулчеҳра ҲАСАНОВА, «Чашма» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси:

— «Шабада» истироҳат боғининг ёнида қурилган маҳалла идорасини кўрган одамнинг ҳаваси келади. Унда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, котиби, маслаҳатчиси, участка нозири, посбони учун алоҳида хоналар ҳамда маънавият хонаси бор. Истироҳат боғи ва маҳалла идораси бир-бирига ҳамоҳанг, жуда чиройли услубда қурилди. Маънавият хонамизда китоблар, газета тахламлари қўйилган. Бу ерда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Қаранг, юрт тинч бўлса, инсонлар ҳам хотиржам бўлади. Соат кеч саккиз-тўққиз бўлишига қарамасдан боғимиз гавжум. Чашмадаги бу бунёдкорликлардан, айниқса, оналар жуда хурсанд.

Ушбу боққа нафақат бизнинг маҳалламизда яшовчилар, балки қўшни «Зардўзлар», «Сўзангарон», «Қулимирзо», «Хўжа Аҳрори Валий», «Қўшчинор», «Чақар» каби ўндан зиёд маҳаллалардан ҳам одамлар келмоқда.

Самарқанд — туризм шаҳри. Туристларни нафақат тарихий обидалар, балки Эски шаҳардаги хонадонлар, уларда тайёрланадиган турли миллий таомлар, буюмлар ҳам қизиқтиради. Масалан, бизнинг маҳалламизда миллий таомларимиздан бири — халиса пиширилади. Шунингдек, бошқа миллий урф-одатларимизни ҳам шаҳримиз меҳмонларига намойиш қилиш ниятидамиз...

Ҳаётидан рози одамлар уй қуради, тўй қилади, нафақат ўз хонадони, балки маҳалласи, шаҳри, мамлакати обод бўлиши учун меҳнат қилади, интилади. Чашмадаги истироҳат боғида бўлган одам фақат мана шундай яхшиликлар, эзгуликлар ҳақида ўйлайди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида Самарқанднинг Эски шаҳрида қилинган бунёдкорликлар бу ерда яшаётган аҳоли учун ҳақиқий байрам тухфаси бўлди.

Суҳбатимиз қизиганданқизиди. Бу кўпни кўрган, донишманд отахон ва онахонлар ўз таассуротларини, орзу-умидларини тўлиб, тошиб гапиришарди. Шу пайт истироҳат боғи атрофидаги хонадонлардан бирига ёр-ёр келди. Куёв жўралар бор овози билан ёр-ёр айтишар эди. Сурнай, ноғора, доира навоси атрофни тутди. Тўй — тўкинлик, шодлик, ҳаёт давомийлигининг белгисидир.

Қадимий Самарқанд шу кунларда яна бир улкан тўй «Шарқ тароналари» Х мусиқа фестивалига мезбонлик қилади. Тўйлар тўйларга, шодликлар шодликларга улансин.

Фаррух ҲАМРОЕВ

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

■ «Норин велосипедлари» деган ибора Норин туманини мамлакатимиз бўйлаб донг таратишига сабаб бўлди. «Norin mechanical plant» масъулияти чекланган жамияти автомобиллар учун бир қатор бутловчи қисмлар етказиб бериш билан бирга, йилига 50 минг дона велосипед ишлаб чиқариш қувватига ҳам эгадир.

Ҳаққулобод — велосипедчилар шаҳарчасига айланмоқда

Айни вақтда корхонада 80 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Катталар ва болалар учун етказиб берилаётган етти турдаги велосипедлар мустаҳкамлиги, сифати, замонавий кўриниши ва қулайлиги билан харидоргирдир.

Ўтган йилдан бошлаб корхонада электровелосипедлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Янги турдаги улов махсус аккумлятор ёрдамида ҳаракатланади. Унинг бир марта қувватланиши соатига 40 километрдан 50 километргача масофани босиб ўтишга етади.

Туман маркази – Ҳаққулобод шаҳарчасида велосипедларни реклама қилиш ва сотишга мўлжалланган салон мавжуд. Йилнинг ўтган даврида 10 мингдан зиёд велосипедлар ўз эгаларига топширилди.

— Ҳаққулободда велосипедга узоқни яқин қилувчи рўзғорбоп восита эмас, балки спорт анжоми сифатида ҳам қаралади, — дейди **ЎзХДП Норин туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Мавлуда Бакирова.** — Маҳаллаларида партиямиз томонидан ўтказилаётган тадбирлар, спорт мусобақаларида оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда велосипеддан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида ҳам сўз юритилмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 15-16.08 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°С)		
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+17 / +22	+32 / +37
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+17 / +22	+32 / +37
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+15 / +20	+31 / +36
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+17/ +22	+33 / +38
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+15 / +20	+31 / +36
Тошкент шаҳри	+15 / +17	+33 / +35

Дунё бўйлаб (°С)		
Лондон	+21/ +22	
Париж	+23/ +23	
Москва	+23/ +18	
Мадрид	+26/ +29	
Пекин	+34/ +35	
Канберра	+16/ +12	
Рим	+29/ +23	
Афина	+34/ +34	
Токио	+33/ +32	
Стокгольм	+23/ +22	
Кейптаун	+17/ +15	
Қоҳира	+41/ +41	
Гавана	+31/ +34	
Вашингтон	+33/ +34	

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи вилоят Кенгаши депутати Акрам Иномовга онаси **МАРҲАМАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Каттақўрғон туманидаги 17-умумтаълим мактаби жамоаси меҳнат фахрийси Робия Темировага ўғли **СИРОЖИДДИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ўтказилаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ғолибларини (1-2-3 ўрин) тақдирлаш мақсадида электрон маиший воситалар (телевизор, планшет, телефон) сотиб олиш учун партия Марказий Кенгаши танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этувчи корхона ва ташкилотлар жорий йилнинг 25 августига қадар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари сўралади.

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3
E-mail: info@xdp.uz
тел.: (0 371) 239-18-49
(0 371) 239-12-14.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 1-1. Сурхондарё вилояти, Термиз туман Суд ижрочилари бўлими биносини мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан – 616,147 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 513,456 млн.сўм, қурилиш муддати – 120 кун.

Лот 1-2. Сурхондарё вилояти, Қизириқ туман Суд ижрочилари бўлими биносини мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан – 619,252 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 516,043 млн.сўм, қурилиш муддати – 120 кун.

Буюртмачи: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 80-уй. Тел:. Факс:(0376) 223-05-20, 223-04-86, 223-04-81.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – ***Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари*** ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида фақат «Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик - муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан мукаммал таъмирланадиган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даваркитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-А уй. Телефон/факс: (0376) 223-44-73, 223-44-78**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-А уйда ўтказилади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
10987 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6